

## ҮРТА ТИББИЙ ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Акбарова Нигора Наримматовна**

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш уларнинг малакасини ошириш институти мустақил  
тадқиқотчиси

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада ўрта тиббий ходимлар тайёрлаши методикасини инновацион  
технологиялардан фойдаланиб такомиллаштиришда педагогик таълим  
жараёнларини ахборотлаштириши, таълимнинг мазмун ва моҳиятини  
такомиллаштириши, анъанавий ва замонавий ахборот технологиялари  
муҳитидаги педагогик таълимларнинг асосий қўрсаткичларини таққослаш,  
ахборотлаштирилган педагогик таълимистиқболлари ҳақида сўз юритилади.*

**Калим сўзлар:** ўрта тиббий ходим, методика, инновацион технологиилар,  
педагогик таълим, ахборотлаштириши, замонавий ахборот технологиялари,  
таққослаш.

### АННОТАЦИЯ

*В статье рассматриваются процессы информатизации педагогического образования в части совершенствования методики подготовки средних медицинских кадров с использованием инновационных технологий, совершенствования содержания и сущности образования, сопоставления основных показателей педагогического образования в традиционных и современных информационных технологиях, перспективы информированного педагогического образование.*

**Ключевые слова:** медсестра, методика, инновационные технологии, педагогическое образование, информатизация, современные информационные технологии, сравнение.

### ABSTRACT

*The article discusses the processes of informatization of teacher education in terms of improving the methodology for training secondary medical personnel using innovative technologies, improving the content and essence of education, comparing*

*the main indicators of teacher education in traditional and modern information technologies, and the prospects for informed teacher education.*

**Keywords:** nurse, methodology, innovative technologies, teacher education, informatization, modern information technologies, comparison.

## **КИРИШ**

Жаҳон миқёсида соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳасидаги ривожланиш тенденциялари таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Узлуксиз тиббий таълим аккредитация маркази (Accreditation Council for Continuing Medical Education - ACCME) ва Америка тиббиёт ассоциацияси (American Medical Association) каби нуфузли ташкилотлар томонидан тиббий таълимни самарали ташкил этишда инновацион педагогик мухитни яратиш, ўқитишининг янги парадигмаларини ишлаб чиқиш ҳамда назария ва амалиёт интеграциясини ривожлантириш тавсия қилинган. Бу эса, таълимда инновацион ахборот-коммуникация технологиялари ва визуаллаштирилган дидактик воситаларнинг интегратив имкониятларидан самарали фойдаланиш усувларини тадқиқ этиш тиббий таълим тизимини модернизациялашга хизмат қилишини кўрсатади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармонига кўра “миллий ўқув дастурига асосан 2026 йилга қадар 699 номдаги, шу жумладан 2022 йилда 296 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари ҳамда мобил иловаларни яратиш; миллий ўқув дастури бўйича янги методикаларга ўқитувчиларни ўқитиши мақсадида Электрон малака ошириш платформаси учун 2026 йилга қадар жами 769 та видеодарс яратиш; умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштироқида экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш” белгилаб берилган.

Ўрта тиббий ходимлар тайёрлаш методикасини инновацион технологиялардан фойдаланиб такомиллаштиришда замонавий ахборот технологияларининг таълим жараёнларига жорий этилиши:

- талабагакасбий билимларни эгаллашига;

- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига;
- ўкув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига;
- интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга;
- сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига;
- ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига;
- ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишини ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик ва ахборот технологияларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки замонавий педагогик технологияларнинг кенг жорий этилиши таълим парадигмасини ўзгартиради ва фақат таълим жараёнларини ахборотлаштириш педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Ўрта тиббий ходимлар тайёрлаш методикасини инновацион технологиялардан фойдаланиб тақомиллаштиришда педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштириш таълимнинг мазмун ва моҳиятини тақомиллаштиришга олиб келади. Анъанавий ва замонавий ахборот технологиялари муҳитидаги педагогик таълимларнинг асосий кўрсаткичларини таққослаш ахборотлаштирилган педагогик таълимнинг истиқболли эканлигини яққол намоён қилди. Буни қуйидаги фикрлар асосида ҳам тасдиқлаш мумкин. Анъанавий дидактика ўз олдига шахсни ақлий ривожлантириш, унинг ўқув фаолиятида билимни ўзлаштириш, малака ва кўнимкамларини эгаллаш жараёнини оптималлаштиришга қаратилган методик усулларни яратишга қаратилган ўқитиш назариясини шакллантиришни мақсад қилиб қўяди.

Ахборотлашган педагогик таълимда дидактика жамиятнинг замонавий эҳтиёжига мос келувчи таълим ва тарбия назариясини ифодалаб, у шахснинг интеллектуал ривожланишини жадаллаштирувчи таълим мақсадларига эришишни таъминлашга йўналтирилган педагогик таъсирга эга бўлиб, шахснинг интеллектуал салоҳиятини намойиш этиш ва ривожлантиришни ўзининг асосий мақсади қилиб қўяди. Бу мақсадга, замонавий ахборот

технологияларининг имкониятларини жорий этиш орқали самарадорликка эришиш мумкин.

Анъанавий дидактикада асосий эътибор кўргазмали-тушунтирув усулларига қаратилади. Шунингдек, талабаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил фаолиятини интенсивлаштиришнинг айrim кўринишлари муаммоли ўқитиши, ўқитишини алгоритмлаш назарияларида ўз аксини топган. Бу назарияларнинг ғояларини самарали жорий қилиниши, билимларни эгаллаш сифатини оширишга, ўқув материалларини ўзлаштиришда вактнинг тежалишига, касбий кўникма ва малакаларнинг шаклланишига олиб келади. Аммо уларнинг самараси, ўқитишининг методлари ва воситаларидан қандай фойдаланишга ва унинг даражасига боғлиқ бўлади.

Замонавий ахборот технологиялари мухитида дидактика, замонавий ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш орқали билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилган ўқув фаолиятининг кенг жабҳали турларини таклиф этади. Бунда дидактика фикрлашни, шахснинг қобилият ва имкониятлари даражасини, эстетик дидни, ахборот маданиятини, билимларни мустақил ўзлаштиришни, ўқув-ахборот фаолиятига оид кўникма ва малакаларни ривожлантиради.

Бизнинг фикримизча, замонавий ахборот технологияларини педагогик таълим жараёнларига жорий этиш талаба шахсининг:

- фикрлашини;
- оптималь қарор қабул қилиш малакасини;
- коммуникатив қобилиятини;
- эстетик тарбиясини;
- касбий малака ва кўникмаларини;
- ахборот маданиятини ривожланишини таъминлайди.

Замонавий ахборот технологиялари, ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштиради. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошиши, талабаларнинг билиш фаолиятларини интенсивлашуви, фанлараро алоқадорликнинг чукурлашуви кузатилади.

Ахборот технологияларини жорий этиш орқали самарадорликка эришиш имкониятини берадиган ҳамда дидактик нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этадиган методик мақсадларга:

- ўқиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш;
- тескари алоқа орқали ўқув фаолияти назоратини олиб бориш;

- ўз-ўзини назорат қилиш;
- ўқув материалини ўзлаштириш жараённанда машқ қилиш ва мустақилтайёргарликни ташкил этиш;
- билимларни эгаллашни интенсивлаштириш;
- ўқув ахборотларини компьютер орқали визуаллаштириш;
- ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш;
- компьютерда лаборатория машғулотларини бажариш;
- ахборот маълумотлар базасини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- талабаларни ўқув материалини ўзлаштириш стратегияси билан қуроллантириш;
- фикрлашни ривожлантириш;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш;
- талабаларда ахборот маданиятини шакллантириш орқали эришилади.

Замонавий ахборот технологиялари микро ва макро дунёдаги, мураккаб қурилмалар ва биологик тизимлардаги ҳодиса ва жараёнларни компьютер графикаси ва моделлаштиришдан фойдаланиш асосида ўргатиш, жуда катта ёки жуда кичик тезлика содир бўладиган физик, кимёвий ва биологик жараёнларни қулай вақт ўлчамида тақдим этиш каби дидактик масалаларни ечиш имкониятини беради.

Ўрта тиббий ходимлар тайёрлаш методикасини инновацион технологиялардан фойдаланиб такомиллаштиришда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини кенг жорий этилиши:

- фан соҳаларини ахборотлаштиришни;
- ўқув фаолиятни интеллектуаллаштиришни;
- интеграция жараёнларини чукурлаштиришни;
- таълим тизими инфратузилмаси ва уни бошқариш механизmlарини тақомиллаштиришга олиб келади.

## **ХУЛОСА**

Бизнинг фикримизча, ўрта тиббий ходимлар тайёрлаш методикасини инновацион технологиялардан фойдаланиб тақомиллаштиришда таълимтарбиянинг психологик-педагогик мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим тизимида электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш, таълим соҳасининг электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш, компьютер технологияларини жорий қилиш амалиёти ва методологияси билан таъминлаш назарда тутилади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. 28 январь 2022 йил. ПФ-60 сон.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Таълим муассасалари педагогўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста. –Екатеринбург: ЕГПИ, 1999. – 244 с.
4. Зокирова, Д. Н. (2021). INTEGRATION OF PROFESSIONAL AND EDUCATIONAL DISCIPLINES INTO TRAINING OF SELF-LEARNING MOTIVATED STUDENTS. *Современное образование (Узбекистан)*, (6), 24-28.
5. Usbovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022). METHODOLOGY OF USING CONNECTING ELEMENTS OF SCIENCE IN THE ORGANIZATION OF INDEPENDENT WORK OF THE SCIENCE OF HYDROELECTRIC POWER STATIONS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(3), 654-661.
6. Nematillaevna, Z. D. (2021). Problems in providing independent learning education and ways to prevent them. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1431-1436.
7. Zokirova, D. N. (2021). Goals And Objectives Of Organizing Independent Work Of Students. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 179-182.
8. Зокирова, Д. Н. (2018). Мустақил ўрганишга ундаш орқали таълим беришда гурӯҳ бўлиб ишлашни қўллаб-қувватлаш. *Научное знание современности*, (4), 15-21.
9. Otamirzaev, O. U., & Zokirova, D. N. (2019). PROBLEMS ARISING WHEN APPLYING THE “BOOMERANG” METHOD IN THE COURSE OF TRAINING AND METHODS FOR THEIR ELIMINATION. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(11), 270-274.
10. Usbovich, O. O., & Ne'matillaevna, Z. D. (2022, April). INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANIB TALABALARNING MUSTAQIL FIKRLASHLARINI SHAKLLANTIRISH. In *E Conference Zone* (pp. 101-105).
11. Sayfullayeva, D. A., Tosheva, N. M., Nematova, L. H., Zokirova, D. N., & Inoyatov, I. S. (2021). Methodology of using innovative technologies in technical institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 7505-7522.